O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KRIMINOLOGIYA TADQIQOT INSTITUTI

KRIMINOLOGIYA YANGILIKLARI

Ilmiy to‘plami

Toshkent – 2026

MUNDARIJA

KIRISH		5
ILMIY MAQOLALAR		7
Нигматов Р.О.	Криминальный риск как объект государственного управления в системе предупреждения преступности	7
Матчанов А.А.	Место криминологической науки в предупредительной деятельности органов внутренних дел республики узбекистан в борьбе с киберпреступностью	16
Payziyev D.Yu.	Bosqinchilik jinoyatlariga qarshi kurashishning o‘ziga xos jihatlari	21
Hasanov Sh.Sh.	Ichki ishlar organlarini kiberxavsizlikni ta’minlash va kiberjinoyatlarni sodir etilishi borasida profilaktik choralari	26
To‘rayev I.E.	Narkotahdidlarga qarshi kurashning ilmiy-kriminologik asoslari: xalqaro tajriba va milliy strategiyalar	38
Saitqulov Q.A.	Huquqbuzarliklar viktimologik profilaktikasining konseptual va nazariy jihatlari	47
Irisbekov U.A.	Tovlamachilik jinoyatlaridan jabrlanishni oldini olishga oid tarixiy-huquqiy tahlil	57
Karaketova D.Yu.	Jinoyat subyekti fakultativ belgisi sifatida yaqin qarindoshlik	65
Джурабаев Р. Т.	Криминологические особенности задержания разыскиваемых преступников	72
Eshmuratov Sh.B.	Ichki ishlar organlari faoliyatida voyaga yetmaganlar tomonidan sodir etilgan huquqbuzarliklarni oldini olishning kriminologik choralari	78
Tursunbayev D.T.	Kriminogen hududlarda jinoyatchilikni jilovlashning xalqaro tajribasi va milliy amaliyot	83
Xazratqulov J. P.	Ruhiy kasalligi bo‘lgan shaxslar profilaktikasi	93
Xalilova Z.Z.	Jinoyat-huquqiy normalarni qo‘llashda shaxsni “ojiz ahvolda” deb topishning o‘ziga xos belgilari va mezonlari	97
Shukurova Sh.M.	Davlat xaridlari sohasidagi jinoyatlarga qarshi kurashning jinoyat-huquqiy choralarini takomillashtirish	110

НАРКОТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ИЛМИЙ-КРИМИНОЛОГИК АСОСЛАРИ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯЛАР

Тўраев Илхомжон Эсанович
Криминология тадқиқот институти бош илмий ходими,
*т.ф.б.ф.д (PhD)**

Аннотация: *Мазкур мақолада глобаллашув шароитида трансмиллий уюшган жиноятчилик ва наркотаҳдидларга қарши курашишнинг илмий-криминологик асослари таҳлил қилинган. Муаллиф БМТ (UNODC) ва CARICC маълумотларига таянган ҳолда, Марказий Осиё ва Ўзбекистондаги нарковазиятнинг тизимли трансформацияси, хусусан, табиий опий ўрнини синтетик моддалар эгаллаши ҳамда рақамли наркосавдонинг кенгайиши тенденцияларини статистик ва эмпирик рақамлар асосида очиб берган. Мақолада Германия, Хитой, Исландия ва Португалия каби хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари қиёсий ўрганилиб, миллий амалиётга татбиқ этиш имкониятлари баҳоланган. Шунингдек, сунъий интеллект (AI), блокчейн таҳлили ва инновацион криминологик мониторинг (оқова сувлар кимёвий таҳлили) тизимларини жорий этиш бўйича илмий-амалий таклифлар илгари сурилган.*

Калит сўзлар: *наркотаҳдид, синтетик моддалар, киберкриминология, сунъий интеллект, блокчейн таҳлили, криминологик профилактика, оқова сувлар таҳлили.*

Аннотация: *В данной статье анализируются научно-криминологические основы борьбы с транснациональной организованной преступностью и наркоугрозами в условиях глобализации. На основе данных ООН (UNODC) и ЦАРИКЦ автор раскрывает системную трансформацию наркоситуации в Центральной Азии и Узбекистане, в частности тенденции замещения натурального опия синтетическими веществами и расширения цифрового наркотрафика с использованием статистических и эмпирических данных. В статье сравнительно изучен передовой опыт зарубежных стран, таких как Германия, Китай, Исландия и Португалия, и оценены возможности его внедрения в национальную практику. Также выдвинуты научно-практические предложения по внедрению искусственного интеллекта (AI), блокчейн-аналитики и инновационных систем криминологического мониторинга (химический анализ сточных вод).*

Ключевые слова: *наркоугроза, синтетические вещества, киберкриминология, искусственный интеллект, блокчейн-аналитика, криминологическая профилактика, анализ сточных вод.*

Abstract: *This article analyzes the scientific and criminological foundations of combating transnational organized crime and drug threats in the context of globalization. Based on data from the UN (UNODC) and CARICC, the author reveals the systemic transformation of the drug situation in Central Asia and Uzbekistan, specifically the trends of replacing natural opium with synthetic substances and the expansion of digital drug trafficking, using statistical and empirical data. The article comparatively studies the advanced experience of foreign countries such as Germany, China, Iceland, and Portugal, assessing the possibilities of their integration into national practice. Furthermore, scientific and practical proposals are put forward for implementing artificial intelligence (AI), blockchain analytics, and innovative criminological monitoring systems (wastewater chemical analysis).*

Keywords: *drug threat, synthetic substances, cybercriminology, artificial intelligence, blockchain analytics, criminological prevention, wastewater analysis.*

Ҳозирги глобаллашув жараёнлари жадал кечаётган даврда трансмиллий уюшган жиноятчилик, хусусан, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмаси жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг мураккаб ва ҳалокатли таҳдидлардан бирига айланди. Бундай таҳдидлар шароитида Ўзбекистон Республикасида наркотаҳдидларга қарши курашиш сиёсати жамият генофондини асраш, ушбу таҳдидлардан ёшларни ҳимоя қилиш ҳамда рақамли инфратузилмани назоратга олишга қаратилган комплекс стратегик ислоҳотлар орқали амалга оширилмоқда.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатларда ривожланиши, транспорт-логистика тармоқларининг кенгайиши ва халқаро алоқаларнинг чуқурлашуви натижасида наркобизнес фаолияти янги, институционал жиҳатдан мураккаб ва юқори даражада мослашувчан шаклларга эга бўлмоқда.

БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) томонидан тақдим этилган 2025 йилдаги “Жаҳон гиёҳвандлик ҳисоботи” (World Drug Report 2025) маълумотлари глобал наркобозорнинг таркибий жиҳатдан кескин ўзгариб, узлуксиз ўсиб бораётганини тасдиқлайди. Бугунги кунда дунёда 316 миллиондан ортиқ инсон (15–64 ёшдаги аҳолининг қарийб 6 фоизи) психофаол моддалар истеъмол қилмоқда. Глобал миқёсда 64 миллион киши гиёҳвандлик туфайли оғир касалликлардан азият чекаётган бўлса-да, даволаниш ва реабилитация имкониятлари ҳануз чекланган ҳолатда қолмоқда: ҳар 12 нафар касалдан фақат 1 нафаригина зарур даволаниш курсини олиш имконига эга. Хотин-қизлар орасида эса бу кўрсаткич янада ачинарли бўлиб, ҳар 18 нафардан атиги 1 нафари даволанмоқда. [1]

Минтақавий контекстга назар ташласак, Марказий Осиё азалдан “Афғон афюни” транзит қилинадиган, йиллик ҳажми 13 миллиард доллар атрофида баҳоланувчи “Шимолий йўналиш” коридорининг марказида жойлашган. Сўнгги йилларда Афғонистондаги тақиқлар натижасида кўкнор етиштириш ҳажми қарийб 95 фоизга қисқарган бўлса, 2025 йилда афюн етиштириш майдонлари яна 20 фоизга, ишлаб чиқариш ҳажми эса 32 фоизга камайди. Натижада минтақада табиий опий мусодараси 61,4 фоизга (972,6 кг дан 375 кг гача) пасайганлиги кузатилди (хусусан, Тожикистонда 66 фоизга, Қозоғистонда 80,5 фоизга қисқариш қайд этилган).

Бироқ, криминологик таҳлиллар шуни кўрсатадики, табиий гиёҳванд моддалар тақчиллиги истеъмолнинг бутунлай тўхташига олиб келмади. Бозорда **“субституция” (ўрин алмашиш) эффекти** юзага келиб, юзага келган бўшлиқни ишлаб чиқарилиши арзон, иқлим ёки ташқи омилларга боғлиқ бўлмаган ва ўта оғир руҳий қарамлик келтириб чиқарувчи синтетик моддалар тўлдирмоқда. БМТ (UNODC) маълумотларига кўра, Марказий Осиё минтақасида метамфетамин каби синтетик стимуляторлар мусодараси уч йил олдингига нисбатан 50 фоизга ошганлиги ва CARICC *(Central Asian Regional Information and Coordination Centre)* таҳлиллари синтетик моддалар контрабандаси геометрик прогрессияда ўсиб бораётганини кўрсатиши ушбу хавфли трансформациянинг яққол индикаторидир [2].

Ўзбекистон Республикасида сўнгги беш йил ичида гиёҳвандлик билан боғлиқ вазият кескин ва тизимли трансформацияга учради. Буни аниқ рақамлар мисолида кўришимиз мумкин:

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига оид жиноятлар сони 2020 йилдаги 5 707 тадан 2025 йилга келиб 15 412 тага (яъни **2,7 баробарга**) етди. Фақатгина сўнгги бир йил ичида ўсиш суръати 25,5 фоизни ташкил этди.

Ноқонуний муомаладан олинган моддаларнинг умумий миқдори 1,2 тоннадан 3,77 тоннагача, яъни **3,1 баробарга** кўпайиб, охирги йилда 76,6 фоизлик ўсиш кўрсаткичи қайд этилди. Ҳар 100 минг аҳолига тўғри келувчи жиноят коэффиценти эса 2020 йилдаги 17 тадан 2,4 баробарга ортди.

Сўнгги беш йилда (2020–2025 йй.) синтетик моддалар мусодараси 1,3 кг дан 163,3 кг гача, яъни 126 баробарга ортди. Шунингдек, ички ишлаб чиқариш ҳам фаоллашган бўлиб, 2025 йилда 15 та, 2026 йилнинг 3 ойида 12 та яширин нарколаборатория ва қадоқлаш цехлари фош этилди.

Эслатма: Илмий нуқтаи назардан, ушбу рақамларнинг ўсишини фақат салбий ҳолат деб баҳолаш тўғри эмас. Бу, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва яширин (латент) ҳолатларни рўйхатга олиш тизими кучайгани, яъни ташаббус даражаси ошганининг натижасидир.

Мазкур ҳолат гиёҳвандлик муаммосини анъанавий ҳуқуқни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари доирасида ҳал этиш имкониятларини чеклаб, уни кўпқиррали,

тизимли ва илмий ёндашувни талаб қилувчи комплекс жараён сифатида тадқиқ этиш заруратини юзага келтирмоқда. Хусусан, ушбу соҳада самарали стратегияларни ишлаб чиқиш тиббиёт *(аддиктология ва нейробиология)*, психология *(хулқ-атвор омиллар ва қарамлик механизмлари),* социология *(ижтимоий муҳит ва хавф омиллари),* ҳамда юриспруденция *(ҳуқуқий тартибга солиш ва жиноятчиликка қарши кураш механизмлари)* каби фанлар ўртасидаги ***интердисциплинар интеграцияни*** тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан, гиёҳвандлик ва наркожиноятчиликка қарши курашишда илмий-тадқиқот ишларини чуқурлаштириш, эмпирик маълумотларга асосланган таҳлилларни кенгайтириш, профилактика ва реабилитация механизмларини илмий асосда такомиллаштириш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни кучайтириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Шунинг учун мазкур иллатга қарши курашиш фақат ***реактив чора-тадбирлар*** билан чекланиб қолмасдан, балки тизимли, илмий асосланган ва кўп тармоқли *(интердисциплинар)* ёндашувни тақозо этади. Замонавий ёндашувларда мазкур муаммога мураккаб ижтимоий-психологик ва биотиббиёт феномени сифатида қаралиб, унинг сабаб ва оқибатлари чуқур илмий таҳлилни талаб қилади.

Наркожиноятларга қарши курашишда илмий тадқиқотларнинг асосий вазифаси – вазиятни холис баҳолаш ва асосланган прогнозлар ишлаб чиқишдир. Расмий статистика фақат рўйхатга олинган жиноятларни акс эттириб, “**айсберг эффекти**” билан чекланади. Шу сабабли, латент гиёҳвандликни аниқлашда аноним сўровномалар, эмпирик кузатувлар ва тиббий-биологик таҳлиллардан комплекс фойдаланиш зарур. Бугунги ўзгарувчан наркобозорни олдиндан баҳолаш учун статистик таҳлил, хавфни баҳолаш ва рақамли муҳит (киберкриминология) таҳлилини бирлаштирган комплекс моделлар талаб этилади. Айниқса, кимёвий таркиби тез ўзгарувчи “дизайнерлик” синтетик моддаларини аниқлаш ва уларни назорат рўйхатига тезкор киритиш юқори лаборатор инфратузилмани тақозо этади.

Психологик-педагогик тадқиқотлар профилактика самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутади. Анъанавий қўрқитиш усуллари кутилган натижани бермагани боис, ёшлар билан ишлашда интерактив технологиялар, тенгдошлар орқали таъсир ўтказиш (*peer-to-peer approach*) ва реал кейсларга асосланган дастурлар жорий этилиши лозим. Профилактика тизими шахснинг қадриятлари ва ҳаётий кўникмаларини ривожлантириш билан уйғунлашиши шарт.

Наркотаҳдидларга қарши кураш фақат жазолаш билан чекланмай, профилактика, эрта аниқлаш, тиббий-психологик реабилитация ва ижтимоий мослаштиришни қамраб олган кўп даражали яхлит тизим бўлиши керак. Замонавий ёндашувда гиёҳвандлик сурункали касаллик сифатида баҳоланиб, уни даволашда биопсихосоциал модель қўлланилмоқда. Илмий асосланган реабилитация марказлари фаолияти фақат детоксикация билан чекланмай, қайта истеъмол ва

қайта жиноятчиликнинг олдини олишга, яъни шахснинг ижтимоий функцияларини тиклашга қаратилиши лозим.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-207-сон Фармони ва у билан тасдиқланган 2025–2026 йилларга мўлжалланган Комплекс миллий дастур соҳадаги ислоҳотларни тизимлаштириш ва мувофиқлаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди [6]. Халқаро миқёсда эса БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) ҳисоботлари давлатларга ўз миллий стратегияларини илмий далиллар асосида такомиллаштириш ва трансчегаравий ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Иқтисодий таҳлиллар наркобизнес шакллантирадиган ноқонуний молиявий оқимларни, коррупция ва “пул ювиш” (*money laundering*) механизмларини аниқлашга хизмат қилади. Шунингдек, гиёҳвандликнинг соғлиқни сақлаш тизимига юкламаси, меҳнат унумдорлиги сустлашиши ва жиноятчилик келтирадиган зарарларни иқтисодий баҳолаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилашда асосий манба ҳисобланади. Ҳуқуқий тадқиқотлар эса қонунчиликни такомиллаштириш, жазони индивидуаллаштириш ҳамда айрим ҳолатларда қаттиқ жазолашдан кўра даволашга йўналтирилган муқобил ҳуқуқий механизмларни жорий этиш орқали юқори ижтимоий самарадорликка эришиш имконини беради [8].

Криминологик профилактикада халқаро тажриба

Илмий асосланган стратегияларни ишлаб чиқишда дунё тажрибасида синалган бир нечта муҳим моделларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш лозим:

Масалан, Германия қонунларига кўра, гиёҳванд моддалар таъсирида бўлган ҳолда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахслар, агар ихтиёрий равишда гиёҳвандликдан даволанишга рози бўлсалар, жиноий жавобгарликдан озод этилишлари мумкин (*Betäubungsmittelgesetz (BtMG), §§ 35, 37;*) [3].

Хитой жиноят қонунчилигида гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар учун жуда қатъий жазо чоралари белгиланган. Хусусан, йирик миқдордаги наркотик моддалар контрабандаси учун узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш, умрбод қамоқ ёки ҳатто ўлим жазоси қўлланилиши мумкин. Бу эса мазкур давлатда профилактиканинг репрессив (қаттиқ жазога асосланган) модели устувор эканлигини кўрсатади (*Criminal Law of the People's Republic of China, Art. 347; UNODC World Drug Report.*). [4].

Исландия модели (“Planet Youth”)га назар ташласак. 1998 йилларда Исландияда 15-16 ёшли ўсмирлар орасида спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик даражаси Европа бўйича энг юқори (42%) кўрсаткичда эди. Исландия ҳукумати фақат тақиқлаш ва қамаш сиёсатидан воз кечиб, маҳаллий ҳамжамият, мактаб ва ота-оналар ҳамкорлигига асосланган профилактика моделини жорий этди.

Ўсмирларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун спорт ва санъат инфратузилмаси давлат томонидан кенг молиялаштирилди, ота-оналар билан қатъий келишувлар (масалан, болаларнинг кечки пайт кўчада юрмаслик қоидаси) ўрнатилди. Натижада, 20 йил ичида бу кўрсаткич 42 %дан 5 %гача туширилди [5].

Маълумот учун: *Лойиҳа доирасида Криминология тадқиқот институтида ўтказилган сўровномада ҳам 1 080 нафар бола айнан "спорт ва тўгаракларга жалб қилиш"ни гиёҳвандликнинг олдини олишдаги энг самарали йўл деб кўрсатгани ушбу моделнинг юртимиз учун ҳам релевантлигини тасдиқлайди*[7].

Португалия модели (Декриминализация сиёсати). 2001 йилда Португалия давлати дунёда биринчилардан бўлиб гиёҳванд моддаларни шахсий истеъмол учун сақлаганликни жиноий эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарлик ва соғлиқни сақлаш тизимига оид тиббий муаммо сифатида баҳолаш сиёсатига ўтди. Мазкур давлатнинг асосий эътибори ва молиявий ресурслари жазолашга эмас, балки даволашга, ижтимоий реабилитацияга ва зарарни камайтиришга қаратилди. Натижада, мамлакатда гиёҳвандлик моддасидан ўлим ҳолатлари 80% га камайди, ОИВ (ВИЧ) юқиши кескин пасайди, полиция ва суд тизими эса ўзларининг асосий кучларини майда истеъмолчиларни қамашга эмас, балки йирик наркокартеллар ва уюшган жиноятчиликка қарши курашга қарата олди. Бу тажриба шуни ўргатадики, касалликка чалинган "истеъмолчи-жиноятчи" билан ғаразли ниятдаги "тарқатувчи-жиноятчи"ни бир хил жазолаш тизими самарасиздир. Балки, истеъмолчига жазодан кўра кўпроқ тиббий-ижтимоий ёрдам зарур.

АҚШ ва Нидерландия каби давлатларнинг тажрибасига назар ташласак. Хусусан, АҚШда мактабларга асосланган "Life Skills Training" (Ҳаётий кўникмаларни шакллантириш) дастурлари орқали ўқувчиларда стрессни бошқариш ва салбий таклифларга онгли равишда рад жавобини бериш кўникмалари ўргатилмоқда, бу эса наркотик истеъмолини 30-50 %га камайтирди. Нидерландияда эса ёшларга гиёҳванд моддаларнинг таркиби ва хавфи ҳақида очиқ, илмий ва объектив ахборот бериш орқали уларда хавфли моддаларга нисбатан онгли иммунитет шакллантирилмоқда.

Бу тажрибаларни қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш орқали энг мақбул механизмларни ишлаб чиқиш мумкин.

Шу билан бирга, ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши мазкур соҳада илмий мониторинг ва таҳлилнинг янги усулларини жорий этиш имконини бермоқда. Катта маълумотлар (big data) таҳлили, сунъий интеллект алгоритмлари ва геоахборот тизимлари (GIS) орқали наркожиноятларнинг ҳудудий тарқалиш хариталарини шакллантириш, хавфли нуқталарни аниқлаш ва тезкор профилактик чоралар кўриш мумкин. Бу эса анъанавий усулларга нисбатан аниқлик, тезкорлик ва самарадорликни сезиларли даражада оширади[7].

Илмий-инновацион ва технологик ечимлар

Глобал наркокартеллар блокчейн ва сунъий интеллектдан фойдаланаётган бир пайтда, биз маълумотларга асосланган (**data-driven**) технологик архитектурани барпо этишимиз шарт. Бу борада **тўртта стратегик йўналишни** миллий амалиётга татбиқ этиш тақозо этилади:

1. AI-Narko-Monitor ва OSINT тизими. Сунъий интеллект (AI) ва табиий тилни қайта ишлаш (NLP) дастурлари ёрдамида интернет ва Telegram'даги миллионлаб хабарларни реал вақтда скрининг қилиш лозим. Тизим жаргон сўзлар, крипто-ҳамёнлар ва шубҳали геолокацияларни аниқлаб, тақиқланган контентни автоматик блоклаш сўровларини шакллантиради.

2. Blockchain Analytics (Крипто-тўловларни деанонимизация қилиш). Жиноий даромадларни аниқлаш мақсадида Bitcoin, Tether, Monero каби аноним активлар ҳаракатини ва "крипто-миксерларни" кузатувчи алгоритмларни жорий этиш зарур. АҚШнинг TRM Labs компанияси тажрибаси шундай таҳлилий дастурлар орқали жиноий тармоқларнинг юқори бўғинидаги асл бенефициарларни аниқлаш мумкинлигини кўрсатмоқда.

3. Domain Awareness System (Идоралараро интеграция). Нью-Йорк полиция департаменти (NYPD) ва Microsoft ҳамкорлигида яратилган тизим концепцияси асосида ички ишлар, божхона, чегара ва соғлиқни сақлаш идораларининг маълумотлар базасини, видеокузатув камералари ва 102 қўнғироқлари сигналларини ягона интерактив дашбордда бирлаштириш лозим. Бу реал вақт режимида прогнозли таҳлил (**Predictive Policing**) имконини беради.

4. Smart CCTV ва Иссиқлик хариталари (Heat Maps). "Закладчик" ва "наркограффити" чизувчилар фаолият юритадиган ҳудудларнинг рақамли криминоген харитасини яратиш ва "қизил" зоналарда сунъий интеллектли Smart CCTV камералари ҳамда дронлар тармоғини кенгайтириш даркор. Бу Р. Кларкнинг "Ситуацион жиноятчилик профилактикаси" назариясига мос бўлиб, муҳитни технологик назорат қилиш орқали жиноят содир этиш имкониятини йўққа чиқаради.

Гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашишда илмий тадқиқотлар стратегик аҳамиятга эга бўлиб, улар муаммонинг моҳиятини чуқур англаш, унинг сабаб ва оқибатларини аниқлаш ҳамда самарали профилактика, даволаш ва ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Гиёҳвандликка қарши кураш бу фақатгина маъмурий ёки жисмоний таъсир чоралари эмас, балки кенг қамровли илмий ёндашувга асосланган мураккаб жараёндир. Илм-фан орқали биз ушбу иллатнинг илдиз омилларини аниқлаб, унга мақсадли ва самарали таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўламиз.

Фақатгина давлат органлари, илмий муассасалар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги, ресурслар ва билимларнинг интеграцияси орқали соғлом ва хавфсиз жамиятни шакллантириш мумкин. Илмий асосланмаган, фрагментар ёндашувлар қисқа муддатли натижалар бериши мумкин, бироқ

барқарор ва узоқ муддатли ижобий ўзгаришларга эришиш фақат илмий асосланган, тизимли сиёсат ва амалиёт орқали таъминланади.

Юқорида баён этилган таҳлиллардан келиб чиқиб, соҳадаги илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича қуйидаги **таклифларни** илгари суриш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, гиёҳвандликнинг яширин кўламини холис баҳолаш мақсадида нафақат расмий статистикага, балки оқова сувларни кимёвий таҳлил қилиш (**wastewater analysis**) ва мунтазам аноним сўровномалар каби замонавий илмий методларга асосланган Миллий мониторинг тизимини яратиш зарур. Бу жараёнда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиб, наркожиноятлар энг кўп содир этилиши мумкин бўлган ҳудудларнинг (**hotspots**) электрон харитасини шакллантириш ва ресурсларни мақсадли йўналтириш лозим. Оқова сув таҳлили яширин истеъмол ҳақида эрта сигнал беради, географик тақсимотни ва вақт бўйича динамикани тезкор кўрсатади. *(Гарчи у истеъмолчининг ёши, жинси ёки аниқ таъминот занжири иқтисодиётини тўлиқ кўрсатмаса-да, эрта огоҳлантириш учун муҳимдир).*

Иккинчидан, янги турдаги “дизайнерлик наркотиклари” ва синтетик моддаларнинг пайдо бўлиш тезлигини инобатга олиб, уларни тезкор аниқлаш ва 24 соат ичида таъқиқланган моддалар рўйхатига киритиш имконини берувчи соддалаштирилган ҳуқуқий механизм ҳамда экспресс-лабораториялар тармоғини кенгайтириш зарур. Шу билан бирга, кибермакондаги наркосавдога қарши курашиш учун киберкриминология йўналишида алоҳида илмий бўлинма ташкил этиш, улар ёрдамида DarkNet ва криптовалюта транзакцияларини кузатишнинг миллий дастурий таъминотларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, профилактика ишларида эскирган “қўрқитиш” усулларидан воз кечиб, нейропсихология ва нейромаркетинг ютуқларига асосланган, ёшларнинг қизиқишлари ва ижтимоий тармоқлардаги хулқ-атворига мослаштирилган интерактив медиа-маҳсулотларни яратиш лозим. Тиббий реабилитация соҳасида эса гиёҳвандликни фақат детоксикация қилиш эмас, балки шахсни жамиятга қайтариш занжирини илмий асосланган стандартлар даражасига кўтариш, айрим ҳолларда оғир бўлмаган жиноят содир этган шахслар учун “жазо ўрнига мажбурий даволаш” моделини тажриба тариқасида жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Ва ниҳоят, ушбу йўналишдаги барча илмий изланишларни мувофиқлаштириш учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида доимий платформа яратиш, соҳага оид диссертация ва тадқиқот мавзуларини айнан наркобизнеснинг янги шаклларига қарши курашишнинг амалий ечимларига йўналтириш зарур. Фақатгина мана шундай комплекс ва илмий асосланган ёндашув орқали жамиятни наркотаҳдидлардан самарали ҳимоя қилиш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек наркотик воситаларнинг ноқонуний айланмаси бугунги кунда анъанавий чегаралардан чиқиб, рақамли технологиялар ва

лабораторияларда фармацевтик йўл билан яратиладиган синтетик моддалар билан интеграциялашган мураккаб гибрид таҳдидга айланди ҳамда “Рақамли наркосавдогар” ва “дорихона наркоманияси қурбони” каби янги криминологик портретларнинг пайдо бўлиши эндиликда “илмий диагноз”га асосланган интеллектуал моделга ўтишни талаб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-207-сон Фармони наркотаҳдидларга қарши курашиш соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини жадаллаштириш, инновацион ёндашувларни жорий этиш ҳамда соҳанинг қонунчилик ва институционал асосларини такомиллаштириш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). World Drug Report 2025. — Vienna: UNODC, 2025.

2. Central Asian Regional Information and Coordination Centre (CARICC). Аналитический отчет о наркоситуации в Центральноазиатском регионе. ЦАРИКЦ, 2025.

3. Betäubungsmittelgesetz (BtMG) — немецкий Закон о наркотических средствах, Параграфы (§§) 35, 37.

4. Criminal Law of the People's Republic of China, Article 347.

5. Planet Youth: The Icelandic Model for Preventing Adolescent Substance Use. Background and Empirical Evidence. — Reykjavik: ICSRA, 2018.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-207-сон Фармони.

7. Тўраев И. Э., Нигматов Р.О., Маҳмудов Д.Р., Қутбиддинов Ғ.Х., Кузиев Д.А., Эсанов Д.И. **“Трансмиллий наркожиноятларга қарши кураш: миллий ва халқаро ҳамкорлик”** *(Ўзбекистон ва Венгрия халқаро илмий-амалий лойиҳаси)*. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2026 й. 148 бет.

8. Тўраев И. Э. “Гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашишда илмий тадқиқотларнинг ўрни” Гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш соҳасига оид миллий қонунчилик базасини такомиллаштириш // мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети. – 2026 й. – 71-78 бетлар.